


# ТОЛГЮЛАЗИ

Муасисслар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»  
номи билан чиқа бошлаган

№ 29 (65856)  
1995 йил, 8 август, сешанба

Сотувда  
эркин нархда



## Шунгил қалбимнинг поласин

*Бегубор, бегубор боласан,  
Ўн олти ёшда ҳам бола, шўх  
Тушунгил қалбимнинг поласин,  
Тушунгил, не учун кўнглим чўг.  
Не учун юзларим лоладай,  
Қаршингда баҳтиёр куламан  
Тушунгил, тушунгил, болакай,  
Йўқса шу кулганча сўламан!  
Ўн олти қаршилар мени ҳам,  
Ахир биз ўсдик-ку, бирга тенг.  
Дилгинам ёнар, лол тилгинам  
Сенинг-чи юрагинг бунча кенг?  
Кўнгироқ қиласман уйингга,  
Сен-чи тўп тепасан қайдадир!  
Берилиб кетасан ўйинга,  
Менга-чи на у, на бу татир!  
Қаршингга чиқаман, қаршимда  
Ёясан қандайдир расмлар.  
Ё шахмат сурасан, ёки сан  
Бошлисан қандайдир баҳслар...  
Бегубор, бегубор боласан,  
Ўн олти ёшда ҳам бола, шўх.  
Тушунгил қалбимнинг поласин,  
Тушунгил, тушунгил, йўқса... йўқ!*

## НОМУСНИ ЁШЛИКДАН АСРА

Дарсда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ўтилаётган эди. Гули орқа партада ўтирган Мирза ва Раъноларга ўтирилди-да: «қизик, Ширинни улганини эшишибоқ Фарҳод жон берибди-я,» деди.

— Ҳа, нима бўлибди, бўлиши мумкин. Мен ҳам агар сен улсанг... уламан!!! Фалати оҳангда айтилган гап катта бир ёнгинни бошлаб юборди. Йўқ, бу ёнгин Мирзанинг кўзидаги чўғдан чиқди. Гули ўзини кўйишга жой тополмай қолди. Қаёқдан ҳам шу гапни айтди, қаёқдан ҳам Мирзанинг кўзларига тўқнаш келди. Шу баҳона бўлди-ю, уша кўзлар Гулини дарсда ҳам, дарсдан ташқарида ҳам таъқиблай бошлади. Тўгри, улар сўзлашишмайди. Очиги, бир-бирларига тил билан айтишга гаплари йўқ. Аммо бир-бирларини кўрсалар, бир-бировларининг ёнларида бўлсалар, бўлгани! Мирзанинг киссасида кўзгучаси бор. Дарс пайтлари уни куриб ўтириш учун. Уф, тезроқ таътил бошланса-ю, ҳардамхаёлликдан, бундай бетоқатликлардан кутула қолишармиди? Аммо таътиlda улар ўйлаганчалик бўлмади. Согиниш, бир-бирларини унуга олмаслик ҳисси устун чиқди. Қандай қилиб бўлмасин, бир-бировларини учратиб қолишни ўйлашди, узоқдан бир куриб қўйишса ҳам майли!

Бу муҳаббатмикан? Дўстликни ног' топилмасими кан?

Эҳтимол сиз ҳам шундай сирли туйгуни туйгандирсиз. Ромео ва Жулетта ҳам бир-бирига дил боғлаганиларида ўн тўрт ёнда эди. Улардаги ширин ташвишлар, кувонч ва изтироблар қайси бирингиздадир бор. Орзу ва ихтиёргиззага эрк беришдан кўрқаяпсиз. Ҳисларингизга жилов солмоқни ўйлајапсиз. Тўгри қиласиз. Номусни ёшликдан асрамогингиз учун, гуруингиз, шаъншавкатингизни қадрламогингиз учун интилишингиз керак. Биз ҳам шу ниятда газетамизнинг ушбу сонини ног' тўйгу — муҳаббатга багишладик. Муҳаббат — дўстлик, ўзаро бир-бировни тушунмоқлик, бир-бировга яхшилик қилмоқликдан бошланади. Ана шундай яқинликларни, қалб қатида авайланган ҳис-ҳаяжонларни мактублардан саралаб олдик-да, айримларининг исм шарифлари, туар жойларини яширган ҳолда тенгдошларингизга сўз бердик. Катталарнинг сабоқларини ўқишингизга имкониятлар яратдик.

Рост, гўзал туйгулар кўз-кўзланиб, дастурхонга қўйилмайди. Аммо уларнинг баҳосини билмоқ учун ана шундай дилдан суҳбатлашмоқ, кўнгилдаги гапларни бъазан тукиб солмоқ ҳам керак, зора ушбу сон сизнинг фикр ва туйгуларингизни уртоқлашишга, ҳаётингизнинг мазмунини ҳалолликда, покликда тартиблиширишга имкон яратса! Хатларингизни кутамиз.



Топгин-чи:

Кетар, кетар, изи ўйқ,  
Таянимоқса тизи ўйқ.

Топдим. Бу — ...



## БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «ЮНИСЕФ — ЭКОСАН» фонdlарининг Аспера лойиҳасини амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу лойиҳада Орол дengизи минтақаси болалари ва хотин-қизларини согломлаштириш режалари кўзда тутилган.

\*\*\*

Хонқа туманидаги Охунбобоевномли жамоа ҳўжалигидаги «Она ва бола» маркази иш бошлади. Бу ерда қизлар уй-рўзгор тутиш сирларини ўрганишади.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Уқувчилар ва усмирлар техника ижодиёти республика маркази билан биргаликда уюштирган «Осиё кубоги» мусобақаси ниҳоясига стди. Унда узбекистонлик уқувчилар биринчи, қирғизистонликлар иккичи, қозогистонликлар учинчи уринни эгаллашиди.

\*\*\*

Юқори-Чирчиқ туман ёқимлиги маҳалла хайрия жамгармаси туман булими ташаббуси билан 34 та кам таъминланган оиласларнинг болалари хатна қилинди.

\*\*\*

Андижон шаҳридаги 2-болалар касалхонаси қошида қизларни согломлаштириш булими очилди. Бу ерда уч ёндан 18 ёшгача бўлган қизлар ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний соглом булишлари учун шифокорлар кўригидан ўтишади.

## КИЗЛАР ТАРБИЯСИ ШАРҚОНА БҮЛСИН

Шарқ халқлари, айниқса, ўзбекларда ҳар бир она ўз қизининг юриш-туриши, ҳатти-харакати, ҳатто мумаласига ахамият берган, чунки қызы боланинг овозидаги ўзгариши ҳам унинг ички оламини белгилайди-да.

«Бир болага етти құшни ота-она» деб бекорға айтишмаган. Бу деғани бириңидан, ота-онанинг ўз фарзандыга нечолы талабчанлык билан ёндошишини билдирса, иккінчидан, боланинг ўзи ҳам «құшнілар нима деркін?» деге ўзини тарбиялироқ тутишга ахамият берішидан далолатдир.

Қадимда узбек хонадонидаги қызлар бириңи навбатда ота-онага итоатда, катталарни ҳурмат қилиш рухида тарбияланишган. Оналар, бувилар, холалар, аммалар қызларини ёнларига олип, нима яхши, нима ёмон, ҳалол-харомнинг фарқыга бориши, ахлоқнинг нозик тоғонларини ўргатишган. Шунинг учун ҳам қызлар назокатли, му僚ым, меҳнатсевар, кейинчалик оиласын бемалол башқара оладиган булип етишганлар.

Бугунғи кунда оналар ижтимоий ғойдали меҳнатта күпроқ жал қилиниси натижасыда ўзбек оиласында ота-оналарнинг тарбия вазифаларини тақсимлашда кatta ўзгаришлар содир бўлди, оналар ҳам, ота-лар ҳам баъзи хонадонларда фар-

занд билан камроқ шуғулдана бошлиши. Бунинг оқибати ўз-узидан маълум.

Бу гапларнинг даромадидан ниятимиз, қызларимизни шарқона ахлоқ-одоб асосида, яны латофатлилик, босиқлик, муроҳазалилик, андишилилук руҳида тарбиялашимиз лозимлігига ишора қилишдир. Ҳар бир тарбия оиласындан бошлианди, биз катталар болаларимиз, айниқса, қызларимизни бир дақиқа ҳам этиборсиз қолдиришимиз мумкин эмас, уларнинг кийиниши, шахсий гигиенасидан тортиб, то унинг кимлар билан дўстлашиши мактаб, ўкув юрти, ишлаб чиқириш корхонасида ўзини тутиши, бўш вақтини ўтказиши каби масалаларда назоратни бўшаширмаслигимиз зарур.

Жамғармамизнинг асосий мақсадларига келсак, болаларнинг билим олиши, тарбиялашиши, касб танлаши, турар жой, тиббий хизмат ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Бозор иқтиодиети иккичи босқичга ўтган ҳозирги даврда етим, ярим етим болаларни ижтимоий-иқтиодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида турли давлатларда тўпланган тажрибаларни ўрганиб, улардан фойдаланиб ўзимизнинг дастуримизни яратишмиз зарур.

Шунингдек, шаҳар, туман ҳокимликлари, хотин-қызлар қўмиталари

касаба уюшмалари, фахрийлар кенгашлари, турли жамғармалар билан ҳамкорликда ишлашни режалаштираяпмиз.

Биз авваламбор ёш оиласларни мустаҳкамлашга алоҳида эътиборни қаратишимиш керак. Чунки кейнинг пайтларда ёш оиласларни бузилиб кетиш ҳоллари кўтлаб учраб турибди. Бу ҳол эса ўз-узидан етишмоналарда болалар сонининг ортиб боришига олиб келади. Касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон, деб бекорға айтилмаган-ку, ахир! Оила қуриш арафасида турган ёшларимиз орасида сұхбатлар уюштириб, уларнинг бурч ва масъулиятлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришимиз лозим.

Хозирги кунда 9-синфни тамомлаган ўқувчиларимиз талайгина. Уларнинг аксарияти қаерга боришини билмай гаранг бўлиб юришибди. Ҳокимиятлар, маҳалла жамғармалари билан ҳамкорликда айнан маҳаллалар қошида маҳсус курслар очилса, қиз болалар бичиши-тикиш, ҳамシリалик, пазандалик, ўғил болалар эса дурадорлик, ўймакорлик каби ҳунарларни эгаллашса, деган ниятдамиш.

**Шоҳида МАВЛОНОВА — Республика болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар бўлими бошлиги**



## ДАДАМ ИШДАН КЕЛСАЛАР

Уйимиз шодликларга тўлиб кетади. Жажжи укам ва сингилчам бўйниларидан маҳкам қучиб олишади.

— Ассалому алайкум дадажониси, яхши келдинизми? — дега қарши оладилар ойижоним.

— Ўзингиз яхши ўтирибсизми, ойижониси, — жавоб қайтарадилар дадам ҳам меҳрибонлик билан.

Мен қўлларига сув қуяман, синглим сочиқ тутади. Чой келтирамиз, оёқ кийимларини артиб, кийим бошларини куздан кечирамиз. Хуллас, барчамиз атрофларида парвона булемиз. Даструрхон атрофида узоқ-узоқ сұхбат қурамиз. Дадам ўқишиларимизни суриширадилар, қизиқишларимиз ва машгулотларимиз билан қизиқадилар, ҳар биримизга юмушлар тақсимлаб берадилар. Энг муҳими, дадам билан ойим бир-бирларига ўта меҳрибонлар. Бувимнинг айтишларича, дадам бувим айтган қизга ўйланмай, ойим билан севишиб турмуш қуришган экан. Бувим ўша дамларда дадамдан хафа булиб юрган бўлсалар, ҳозир ойимдан жуда ҳурсандлар: «Тақдиридан ўргилай қизим, сизга рўпара қилган» дега дуо қилиб ўтирадилар.

Дадам билан ойимга жуда-жуда ҳавасим келади. Келажакда худди улардек севиб-севилиб, баҳтиёр оила курсам, дега ният қиласман.

**ГУЛБАХОР,  
Шахрисабз**

## АДАШИШДАН АСРАГАН ЭКАН

Санобар олами севиб қолганимда ёщим ўн иккى, ўн тўртларда эди. Қўлгина уйларнинг томоркаси, ҳатто ҳовлиси этаги паҳтазорга тулаш эди ўша пайтлар. Эрта тонгда велосипедимнинг ичкى гилдрагига жихоз сотиб олиш учун кишлөк марказидаги дўконга йўл олдим. Паҳтазор оралаб утадиган сўқмоқдан кетаётганимда кўёшдан қочиб бошдан оёқ оппоқ кийимга ўрайли гўза чопик қилаётган аёлларга кўзим тушган эди. Лекин, қайтаётганимда...

— Ҳой йигит, мана бу қолдаги ўтни чорбокча олиб бориб беринг! — деган ёлборуви товушни ўшитиб тўхтадим.

Шуғанинг менга айтишидими? — дега атрофга алангладим. Ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ. Аёллар томонга қарадим. «Тавба, уларнинг кўзига катта одам кўриниб кетдим шекили, йигит деяпти».

Ростданам ўзимни барваста ҳиз қылар, ҳар қандай катта нарсани ҳам чирлирак қилиб юборгудай сезардим. «Шу бўлса керак» дега тик турган қоп ёнидаги аёл тарағфа юрдим. Унинг факат кўзларигина рўмол панасидан ҳоли эди. Қўзларига кўзим тушди-ю, тилим калимага келмай, беихтиёр яна қарадим.

Зил-замбил қолни қандай кўтариб, унинг чорбогига борганим, кейин қайтганимни ҳам эслай олмайман. Фақатгина унинг қайрилган киприклиро, ҳали бирорта одамда ҳам учратмаганим, худди баҳорда куртаклаётган баргга ўхшаш кўзларни хәлимидан нари кетмай қолдим.

Ҳар куни уни кўриб ўтиш учун у-бу нарсани баҳона қилиб уч-тўрт чақирим наридаги дуконга бораман. Кетмоп чопаётган аёлларга қарайман. Улар бир хил — бошдан оёқ оппоқ кийимга бурканиб олишган.

Қатнай-катнай охирин унинг мендан саккиз ўш каттагигини, турмуш ўртоги фожеали ҳалол бўлгани, бир қизниси-ю, кекса онаси билан яшши, исми Санобар эканлигини билиб олдим.

— Болам, бир қишлоқдан эканмиз, мактабдан бўш вақтингда Санобар олантага у-бу ишларда ёрдамлашиб турган, — деди Саври буви елкамга қоқиб.

Бу гап мен учун айни муддао эди. Санобар олами ҳар куни кўришим мумкин. Бу оиласа бозор-ўнчарда, сув ташиш, ўтиш ёрғолга олганда ёрдамлашиб юрдим.

— Болам, Санобар олантаги ҳам баҳти очиладиган бўп туриби. Бадавлат бир йигитдан совчи келаётпти. Хотини вафот этган экан.

Мен унинг гапларини охирига эшига олмадим. Далага юргурдим.

— Ўтга борар экансиз — дедим унинг кўлларидан маҳкам тутиб.

Санобар оламларнинг ҳовлиси билан далани ахратиб турладиган чорбोқа этишимиз билан уни маҳкам кўчоқлаб олдим.

— Опажон, жон опа, яна иккى йил, иккى йилгина кутинг, паспорт олай, сизга ўйланаман, жон опа, сизиз ўшолмайман, опа, — деда ялинар, кўзларимдан шашқатор ёш оқардик. Яна нималар дедим, эсимда йўқ.

Бирдан кўзим унинг оппоқ оқариб кетган юзига, ҳайратданни, кўркувданни катта-катта очилган кўзларига тушди-ю вужудимни уят, хижолат эгаллади. Энди номусдан дод дегим келди-ю, бошим оқкан томонга юргурб кетдим.

Унинг кўзига кўринишдан уялиб бир ҳафтагача кўчага чиқа олмадим. Касалман, деб ўйда ётавердим.

Дала ичидаги сўқмоқдан ўтаетганимда эса кетмончи аёллар сафидан кимдир кам эканлигини сезиб қолдим. Амал тақал қилиб, суршириб, Санобар оламларнинг ўй-жойини сотиб, адир ортидаги қишлоққа кўчиб кетишганини билиб олдим.

Орадан анча йиллар ўтға, ақлим кириб тушундимки, ўшандада Санобар опам фақатгина ўзини эмас менинг ҳам келаҳагимни ўйлаб, адашидан асраран экан.

**Дамин РАСУЛОВ,  
Кува шаҳри.**

**КУНГИРИДАН СОВИДИ**

Дилшодни қаҷон ёқтириб қолганимни ҳам билмайман. Фақат уни деб чиройли кийинишига, аъю баҳоларга үқишига, хуллас ҳаммадан ажralиб туришига интилардим. «Муҳабат»им шу қадар шиддатли тус олдики, мактабдан келгач ҳам у-буни баҳона қилиб, кучага югураверардим. Қўзлар билан гаплаштан буларадим, куз қири билан катта кук дарвоза — уларнинг ўйига томон тез-тез қарадан чарчамасдим. Менинг бу ҳолатим албатта унинг назаридан четда қолмади.

Бир куни аллақайси қариндошимиз менга айтиб, ағна ўйлашта мажбур қилган, охирни узи жавобини айтиган тошишоқни синфдошларим дикқатига ҳавола этдим. Табиийки, ҳеч ким топа олмади. Шунда Дилшод:

— Кечки пайт кучага бошидағи катта тут олдига кел, жавобини айтаман, — деди.

Юрагим гупиллаб уриб кетди. «Нима дер экан-а?».

Уйга келиб ҳам сабрим чидамай кучага чиқдим. Қўзлар билан чак-чаклашиб яна ўйга кирдим. Ниҳоят кеч ҳам булади. Энди кучага отланасетган эдим, ойим:

— Булди, етар санқиганинг, ҳеч қаёққа чиқмайсан! —

дедилар қатъий. Мен ялиндим, куз ўш ҳам қилдим. Фойдаси булмади. Ҳозир шу ҳолатда эдимки, кучага чиқишим учун ҳар нарсага тайер эдим. Шу пайт ҳаелимга бир фикр келиб қолди.

Акам Мансур дугонам Маҳбубани қутуби ёқтириб юрарди.

— Ақажон, мени Маҳбуба кучада кутиб турганди. Ойим чиқармайтилар, — дедим йигитдек булид.

Акам ойимнинг у-ёқларидан — бу ёқларидан ўтиб менга жавоб олиб бердилар. Мен кучага учдим.

Аммо вайдалашган жойда Дилшод йўқ эди. Уни анча кутдим. Охир сабрим тугаб, ўйта кириб кетдим.

Дилшодни ҳолатини таърифлаб берордим. Кўчада кетяпману овозимнинг борича хайриким, кўшик кўйлаб, рақсга тушгим келарди. Гўё дунёда менданда баҳтироқ одам йўқдек, атрофдагилар баҳтироқ ҳавас қилишаданек туюларди. Шундай қилдим ҳам. Энг яқин дугонам Моҳира билан сирлашдим.

— Қандай баҳтилан-а дугонажон! Мактабимизнинг энг олди йигити муҳабатига сазовор бўлибсан, — деди дугонам ҳавас ва бироз ҳасад арапаш. Чунки Шуҳрат иккимиз бир-бираимизга шу даражада болнаби қолдик.

Орадан бир йил ўтди. Шу фурсат ичада Шуҳрат иккимиз бир-бираимизга шу даражада болнаби қолдик, бир кун кўришмасак, нимадир етишмайтандек бўлиб туловерарди. Шундай кунларнинг бирда Шуҳрат менга мактуб бериб юбориди:

«Ҳаммасига тушуниб ётдим. Орамиздаги муносабат шунаки бир ўтқинч, болаларча ҳавас экан. Ҳақиқий севги нималигини энди англадим. Моҳирани севиб қолдим...»

Мен карахт бўлиб қолдим. Бошқасини севиб қолибди. Яна кимни денг, энг яқин дугонамни, сирдошимни. Шуҳратга нисбатан бўлган муносабатимни кўра-била туриб Моҳира унинг «ўлдим-қолдим»ига ишонмаса керак, деб ўй

**Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Хайрулла ҲУСАНХЎЖАЕВ билан сұхбат**



## «НОЗИК МУОМАЛА ~ ШИФО КАЛИПИ»

— Бундан бир неча йил аввал бир танишимнинг ўн тўрт яшар ўғли тўсатдан одамови, ўз-ўзидан ийглайдиган бўлиб қолди. Буни кўрган ота дарҳол руҳий касалликлар шифохонасига мурожаат қилиди. Текширишлар бошланди. Руҳий муолажалар ўтказилди. Хуллас бола тезда соғайди. «Бемор»лик сабаби аниқланнишича, муаллиманинг унга бир қиз туфайли берган дашноми экан. Бироқ танишимнинг аёли: «Ўғлимни руҳий шифокорга кўрсатиб, шаънига дод туширдингиз» деб қаттиқ хафа бўлди. Ана шу воқеага муносабатингиз?

— Аввало айтиш керакки, танишингиз тўғри йўл тутган. Мабодо у турли мулоҳазага бориб, вақтида «дард» аниқланмагандан, газак олиб, ривожланиб, бола қалбини мажрух қилиши аниқ эди. Аёл мулоҳазаларига келсак, шифохонамизга ташриф буюрган инсон борки, «жиннихонага келибди» дега ёмон фикрга боравериши бориб турган бефаҳмлиқдир. Ахир «руҳий хаста» дегани, бу «жинни» дегани эмас-ку!

Аввало бу дард инсоннинг мия ва юрак фаолияти, ҳис-туйгулари билан боғлиқ. Бу ерга шифо излаб ёки ўзини курсатиш учун келган инсоннинг аввало насл-насаби, қариндош-уруглари, ота-онаси ёки ўзининг ичиш, чекиш, гиёхвандлик билан шугулланиши ёки бошқа сабаблари обдон суриштирилади. Қолаверса, техник асбоб-ускуналардан ҳам фойдаланилади. Сунг ана шу натижаларга қараб, даволаш усуслари қўлланилади. Иш фаолиятим давомида баъзан шундай воқеаларга ҳам дуч келганманки, айтсан ҳайрон қоласиз.

Гулбаҳор, сенга яна мактуб ёзяпман. Бу нечанчи бор ёзишм, билмайман, ҳисобдан ҳам адашиб кетдим. Тунов куни ёзган мактубимни ўқиб ҳам кўрмай, йиртиб ташладинг. Дугоналарингта мен томонни ишора қилиб хандон отиб кулиб юбординг. Адабиёт дарсида эса менга қасдма-қасд Камол билан ўтириб олдинг. Нима бўлса ҳам барибир мактуб ёзаверман. Чунки сени севаман, сен-

сиз яшомлайман. Қалбим сенга мойиллигини илтижоли нигоҳларимдан пайқашингта аминман. Лекин тан олмайсан. Мен эса мажнунона телбаларча ортингдан қолмайман, сенга жуда борданиб қолганман. Эҳтимол, ён-атрофимдаги яқин кишиларимдан топа олмаган меҳр-муҳаббатни қидириб, сенга меҳр кўйгандирман.

Сенга телбаларча мойиллигим сабабини баъзан ўзим ҳам

Баъзан онасининг салгина койиши туфайли ўз жонига қасд қилган қизлар, «севиб қолган» қизига совга олиб беришга қурби етмаган ва ўзини осмоқчи бўлган йигитчаларни ҳам олиб келишади. «Утиш ёши»даги бу таъсирчан ўсмиirlарга бу ҳиссиётлар ўткинчи эканлигини, барча муаммоларни катталар билан бамаслашат, пухта ўйлаб, режалаб, қолаверса босиқлик, вазминлик билан ҳал қилиш мумкинлиги, ҳовлиқиши, шошма-шошарлик, енгилтаклик ёмон оқибатларга олиб келишини тушунирамиз. Ахир бундай йигит-қизларни ҳам «Жиннихонада ётиб чиқди» дега маломат қилинса яхши бўладими?

Гапимнинг бошида «шифохонага келувчилар обдон суриштирилади» дедим. Ана шунда касаллик тугма ёки насл суриш оқибати эканлиги ёки қаттиқ йиқилиш, оғир буюмлар тегиши натижасида содир бўлғанлиги маълум бўлса, дарҳол зарур муолажалар қилиниб, бемор дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилинади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, на миллат, на бойлик, на ёш танламайдиган бу дард (илоё ҳеч кимнинг бошига тушмасин) турига, оғир-енгиллигига ва бошқа жиҳатларига қараб алоҳида жойларда шифо берилади.

— Шифохона ва унинг ходимлари ҳақида билиш истагида эдик?

— Мустақил бўлғанимиздан сунг шифохонамизга ғамхўрлик, диққат эътибор анча кучайди. Озиқ-овқатлар, дори-дармонлардан ҳам етарлича олиб турибмиз. Бу ерда 1500 ходим хизмат қилади. Уларга озмунча сарф-харажат кетмайди. Шу уринда бир мулоҳаза айтмоқчиман. Ҳар йили юзлаб ҳамшира, шифокорлар тури билим даргоҳларини битириб чиқадилар. Бу масканга ҳам улар ишлашлари учун жой ажратилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бу ерда ишлаш истагини билдиравермайдилар. Гуё шаънларига дод тушишидан қўрқадилар чоги. Ахир улар шифокорлик шарафли ва савобли касб эканлигини ёдда тутсалар яхши бўларди. Бу масалада ҳам қадимий ва миллий урфодатларига амал қилсалар фойдали бўларди. Уз ватани, миллатини севган, онгли равишда буни тушунган инсон ҳеч қачон бундай вазифадан ўзини четга тортмайди.

— Ўсмиirlar ва уларнинг ота-оналарига маслаҳатларингиз.

— Мен ўз тажрибаларимга таяниб ҳар икки томонга берадиган маслаҳатим — маст қилувчи

ичимликлар, гиёхванд моддалар қабул қилиш инсон вужудини кемиривчи душман. Қолаверса, қариндошдан қиз олиб, қиз бериш ҳам юқоридаги хасталикларни келтириб чиқаришга сабаб булиши мумкин. Ўсмир йигит ва қизларга яна бир маслаҳатим — ҳиссиётга ўта берилувчанликдан сақланинг. Бирор сизга қўпол муомала қилса, эркалаг башга кўтарувчилар ҳам борлигини, маҳаҳ қилгудек бўлса, иззат-икром билан ардоқловчилар ҳам борлигини унутманг. Дардга чалинган инсонларга дуч келиб қолувчиларга ўтинчим «Нозик муомала, меҳрибонлик — шифо калити» эканлиги ёдингизда бўлсин, дейман.

— Шифохонанинг ташкил этилганига кўп бўлганми?

— Бу ер Туркистон рус ҳарбийлари томонидан босиб олинганидан бир неча йиллар кейин, асосан рус ҳарбийлари учун мўлжаллаб қурилган. Маҳаллий миллат вакилларини ётқизиш ва даволаш таъкидланган. 1996 йилда унинг ташкил этилганига юз йил тўлади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

**Суҳбатдош: Усмон АЛИ.**



## ЎҚИЛМАГАН МАКТУБ-ЛАР

### СУБҲИДАМДА СЕНИ ЎЙЛАДИМ

Бугун сени яна тушимда кўрдим. Эсингдами, паҳта йигим-терим маҳали. Паҳтани кўл билан тез ва кўп теришда сендан ўтадигани бўлмасди. Ўшанда биринчи бўлиб терган паҳтангни менинг номимга ёздириб қўярдинг. Синфодшлар орасида ҳам энг кучлиси бўлганинг учунни, ҳамиша «безори» болалардан ҳимоя қилиб юрдинг. Фанларни, айниқса, математика фанини жуда зўр билардинг, мисолларни ечишда қийналганимда доимий кўмакчим бўлдинг. Папкам эса сира қўлингдан тушмасди. Бунга қизларнинг бизнинг устимиздан қиқирик кулишларидан бироз уялиб ҳам қўярдинг. Лекин барибир мэнга худди акамдек меҳрибон эдинг...

Бора-бора бу дўстлик севигига айландими? Буни севги деб аташга ҳақим борми? Ҳа, бу болаликда туғилиб, йиллар давомида мустаҳкамланиб борган ҳақиқий, самимий муҳаббат эди.

Орзуларимизни айтмайсанми, орзуларимиз бисёр эди. Афсус... Афғон урushi сени мендан айирди. Эшитдими... Шум тақдирдан нолиб ўксис-ўксис йигладим.

Мана орадан йиллар ўтди. Фарзандимнинг исмими сенинг номинг билан — Жаҳонгир, деб номладим. Токи у ҳам сенингдек самимий муҳаббатга лойик инсон бўлсун!

Шоҳсанамининг дафтаридан.

англаб етолмай гаранг бўламан. Балки чеҳрангни безаб турган нуқра холинг, бўйи-бастинг, тоғ шалоласидай жўшқинлигинг, ботиний гўзаллигинг мафтуни қилган бўлса ажаб эмас! Сенинг хаёлинг билан тунларни тонгта улайман.

Мана, туни ҳам ярмидан оғиб қолди, фикру ёдим сен-ла банд. Ёстиққа бопи қўйсаму ширин уйкуга кетсан, дейман. Қани ухлолсан. Тонгга яқин кўзим илини

ниби. Тушларимда ҳам сени ва фақат сени кўраман. Тезроқ тонг отса-ю висолининг ётишсам, шаҳло қўзларинг уммонига ўзимни отсан, дейман. Юлдузли осмонга термулиб ётибману Мавлоно Фузулийнинг кўйидаги сатрлари ёдимга тушиди:

Шифоий васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,

Зулоли завқ шавқни, ташни дийдор ўландан сўр.

**Хамид ПАРДАЕВ.**

### СЎЗ КАТТАЛАРГА

Ўсмиirlar ўртасида муҳаббат пайдо бўлса кимлардир бунга ҳайратланиб қарайди, «севишига ҳали ёшлиқ қиласан» деб қўйишиади. Лекин бу хол кимларидир учун табиий. Хуш, шундай экан, аслида муҳаббат неча ёнда пайдо бўлади? Бу саволга ўсмиirlar чоғлари орта қолган катталар нима дейишаркин?

\* \* \*

Саодат Умарова, 39 ёш.

— Севги ёндан кейин ўтадиганинг севигига керак. Чунки бу ёнда одам балогатта ётиб, ҳаётни тўғри англай бошлайди.

\* \* \*

Фиёс Шукуров, 46 ёш.

— Севги ён танламайди. Машҳур немис ёзувчиси Гете ёзлик ёндан ошганинда бир қизни севиб қолган ва шундан илҳомланиб «Ёни Вертернинг изтироблари» номли ажойиб асар яратган. Узим эса мактабда 8-синфда ўқиб юрганинда муҳаббат нима эканлигини туйганиман.

\* \* \*

Озода Мансурова, 23 ёш.

— Йил мухаббат мактаб партасида туғилиди. Ушна ҳақиқий севигидир. Ён уйгандан туғилиган севиги эса шунчаки ҳаётий эҳтиёж бўлса керак. Яна билмадим.

\* \* \*

Саъдулла Ҳабибов, 49 ёш.

— Итирма ёнга етгунгача туғилган мухаббат ҳақиқий эмас, шунчаки ҳавас, енгилтаклиkdir. Мактаб укувчилари фақат илм олишини уйлашлари керак.

\* \* \*

Доно Ҳусанова, 30 ёш.

— Мен ilk бор мухаббат ҳиссини туйганимда 7-синфда ўқирдим. Мана, орадан 15 йил ўтди. Ушна туйгудар мен учун ҳаётнинг энг завқли дамларини эслатади.

Абдумалик Абдураҳмонов ёзиз олди.

● Имзосиз мактублар

## ХАЁЛИМДАГИ «ШАХЗОДА»

1-синфга қадам қўйган онларим ҳеч ёдимдан чиқмайди: мактаб формаси кийиб, чиройли портфелимни кўтарганча ўқишга бориш орзуим ушалганидан баҳтиёр эдим. Синдошларимдан ёшим бироз кичикроқ бўлгани учунми, ўғил болалар кўпинча хафа қилишар, эгаллаб олган биринчи қатордаги партамдан ҳайдаб, охирги ўринга ўтқазиб қўйишарди. Бу ҳам камлик қилгандек, ёзб турган ручкамни тортиб олишди. Алам қилиб йиглаб юбордим. Шунда ёнимга бир бола келиб: сени ким хафа қилди? деб суради. Менинг ўрнимга қақажон қизчалар жавоб беришиди. У бола (исми Фахриддин эди) кўлимдан тутганча етаклаб кетди. Ўрнимга ўтириб олган болаларни турғазиб юбориб, мени ўтқазиб кўйди. Ручкамни ҳам олиб берди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю Фахриддин хаёлимдаги «шаҳзода»га айланиб қолди.

### БЕТОБЛИКМИ ҶИ...

Ҳар сафар Үнга кўзим тупса негадир юрагимни титрок босади. Үнинг сочини иккита қилиб чиройли уриб юриши, қарашида ги уятчанлик секин, мудойим гапириши менга нимаси биландир ёқади. У биринчи партада ўтириши туфайли бўлса керак, сунгти пайтларда дарс пайтида доскаа чиқишига юрагим бетламайдиган бўлиб қолди. Тунов куни катта та-нафус пайти У билан коридорда юзма-юз елиб қолдим, юрагим шу қадар тез уриб кетдик, кулоқларимга қизариб кетди. Ўйлаб қарасам Үнинг синфимиздаги бошқа қизлардан ажалиб турдиган ҳеч қандай хислати ўйк. Лекин нимагадир... Балки бетоб-дирман ёки...

Самарқанд шаҳри.

ди. Мен биринчи қаторда, у эса охирги партада ўтирадик, Ҳар куни дарсга келган заҳотим унинг ўрнига қарапдим. Уни кўргачгина кўнглим хотиржам бўларди. Дарс давомида ҳам пинҳона кузатиб ўтирадим. У эса ҳеч нарсани пайқамасди. Гапиришлари, қиликлари, кулишлари — ҳамма-ҳаммаси ёқарди менга.

Бир куни у бетоб бўлиб қолиб, дарсга келмади. Шу куни менинг ҳам дарсда ўтиргим келмай, уйга кетиб қолгандим. Келаси йили Фахриддиннинг дадаси бошқа ишга тайинланибди, улар оиласи билан қишлоққа кўчиб кетишиди. Шу-шу уни кўрганим ўй. Лекин бирортасидан хафа бўлсам, ўқиш ва ишларда қийналсан... Фахриддин ёнимда бўлсайди,— деб хаёл сурман. Фахриддинни қачон кўраман, қачон унга кувонч ва ташвишларимни айтаман,— деб ўйлаганим ўйлаган. Қаердасан, «Шаҳзода»м!

Нодира.

### СИНФДА КОЛСАММИКАН

«Шоира опа энг яхши ўқитувчи». Мен бу сўзларни яна минг марта ёзиши мумкин. Чунки ҳақиқатан ҳам математика ўқитувчимиз мактабимиз ўқитувчилари ичидан энг яхписи. Тўғрироғи, у жуда чиройли. Аслида математика дарсими азалдан жиним сўймайди. Лекин Шоира опа бизнинг мактобга келганидан бунен дарсни орзишиб кутадиган будим. Лекин билимим уша-уша, «уч»дан бошими чиқмайди. Чунки дарс пайтида ўқитувчимизни дикъат билан тингласам ҳам қалтама ҳеч вақо кирмайди. Афсуски, Шоира опа факат 8-синфларга дарс берадилар, мен эса 9-синфга кучаятман. Ёки атайн синфда қолсамикан?..

М. Д.  
Бекобод.

Бу воқеа Буюк Пайгамбаримиз Ҳазрат Мухаммад (С. А. В.)нинг замонларида Мадинада рўй берган.

Ул замонларда инсонлар қабилалар ҳолида яшар эдилар.

Бир кун Ҳузайл қабиласидан бир ўспирин тягига миниб ўйлда кетар эди. Ўзокда қўйлар сурувини курди. Сурувга яқинлашганида қўйларни ўтлатиб юрган чўпон аёл киши эканлигини билди. Яна ҳам яқинлашганидан сўнг чўпон аёл Рашид исмли одамнинг қизи эканлигини таниди. Ўспирин йигитнинг қалбида бир бузулик бор эди, ҳар ҳолда сурувга яқин келганда фикри бузилди. Шу онда туясини чўктириб, яна турниб кетмасин деб тизгинидан боғлаб қўйди. Сурувни ўтлатиб юрган ёлгиз қизга:

— Бу ерда ёлгиз ўзинг кўркмайсанми? Биз бир қардошмиз, кел қўйларингни бирга ўтлатайлик. Оқшомда бирга уйга кетамиз. Мен сен-га ҳамроҳ бўламан, — деб унга яқинлаша бошлади.

Қўйларини ўтлатиб юрган қиз ақлли, оқила қиз эди. «Бу элнинг одами менга қандай қилиб қариндош бўлади» деб ўйлади ва жавоб берди:

— Бу ердан дарҳол кет. Мен қўйларимни ўзим ўтлатаман.

Йигит қиз ёнига яқинлаша бошлади.

— Олдимга келма, келсанг ўлдирман, — деб ҳайқарди қиз.

Шунга қарамай ҳариф йигит қиз ёнига яқинлашаверади. Қиз ундан ҳолос бўлишнинг бошқа ўйли ўйларигини сезиз, бутун кувват ва жасоратини тўплаб, ўзини мудофаа этишига қарор берди. Ҳарифни бир зумда ерга йикитди ва ҳайқарди:

— Олчок ҳариф, тез даф буласанни ёки мажақлаб ташлайними?

Ҳариф кўрққанидан:

— Ҳозир кетаман, мени кечир, — деб ёлборди.

Қиз бу нопок йигитни — душманини кечирди. Ўспирин ўрнидан турди, сўнг бироз жасур бўлиб яна қизга ташланди. Қиз бир ҳамла билан уни яна ерга улоқтириди, ердан қўлига тош олди ва:

— Номусиз, бу ердан даф бўлиб кетсанми? Ёки шу тош билан урайинми? — деб бакирди. Фикри ва қони бузук ул йигит ёлборди:

— Кечир, мен ҳозир кетаман, олдинга бормайман, — деди. Йигит ўрнидан турдида, яна ўзини ўйлаб қизга ёпишди.

Қиз номусини саклаш учун бор кучини йигит йигитни ерга йикитди-да кўкрагига ўтириб, томогидан бўғди. Ҳаҳл устида кўлидаги тош билан кўкрагига қаттиқ урди,

ўспирин ҳушидан кетиб қолди.

Қиз: «Ё! Раббий! Сенга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, сенга беҳад шукрлар қиласан. Номусимни бу олчоқ, ахлоқсиз одамдан куткардинг», деб ўрнидан турниб кийимни тузатди.

Қиз бироз вақт ўтиб, сўнг қўйларини ҳайдаб уйига кетди.

Орадан қанчалар вақт ўтгач, йўловчилар ўша ердан ўтдилар. Улар Ҳузайл қабиласидан эдилар. Қарасалар, ётган одам ҳам ўз қабиладошларидан экан.

— Сенга бу ерда нима бўлди? Сен ўзимнинг Ҳамала эмасмисан? Не ҳол бўлди? — деб сурадилар йигитдан.

— Менинг бу воқеадан хабарим ўйк, — деди.

— Ё! Расууллоҳ! — дедилар даъвогар одамлар, — Рашиднинг ўзи эмас, унинг қизи Асила қотилди. Ҳамалани яралаган Рашиднинг қизидир.

Пайгамбаримиз (С. А. В.) қизни чакиритириб келтириди. Қиз келганидан сўнг Пайгамбаримиз (С. А. В.) унга:

— Асила, Ҳузайл қабиласидагилар сени Ҳамалани ўлдирган деб идда қилмоқдадар, бу хусусда нима дейсан, — дедилар.

Асила бироз ўйланиб, сўнг:

— Ҳеч бир хотин эркакни ёнгиг ўлдира оладими? — деди.

Асила оқила қиз эди. Шунинг учун ўзининг берган жавоби Аллоҳнинг Пайгамбарига бериладиган тўғри жавоб эмаслигини тушунди. Аллоҳ, вахий юбориб Жаброил алайхисалом билан воқеа Пайгамбаримиз (С. А. В.)га билдирад

деб ўйлади ва бўйлаб ўтган ишни Пайгамбаримиз (С. А. В.)га айнан қандай бўлса шундай айтиб бершига қарор килди.

— Ё! Расууллоҳ! Ҳодиса айнан бундай бўлди: у чадға менинг ёпишди. Ёнимга Ҳамалани ўлдирган деб идда қарор килди.

— Таажжуб, сени тяянг бу ерда боғлиқ ётиби. У сени қандай йикитиди юбора олади? Қара бу ерда мана бутош ётиби, уқонга булганган. Сенинг бошинг ёрилган, кўксигда тошдан жароҳатлар бор, — дедилар.

Бузук ахлоқи Ҳамала қизарип, бузаридетди. Тили тутили. Нима дейишими билмай:

— Нега мени сўроқча тутасизлар. Мен нимадеган бўлсам, ўшандай бўлди. Яхиси мени тумга миндириб қўйинглар, — деди.

Ҳамалани тусига миндириб ўйига олиб бордилар. Бу йигит бир кечга ётгач, ахволи ёмонлашди. Қабиладошлари ундан умид узишида сўрадилар:

— Ҳамала, сенинг ахволинг оғирлашди. Йигитлик вақтингда ўлиб кетасан. Сени бундай ҳолга туширган кимлигини айт, ундан ўч оламиз, — дедилар.

У хаста овоз билан:

— Рашид, Асила, — деда олди холос ва жони ўзили.

Хузайл қабиласининг оқсоқоллари тўлланиб Пайгамбаримиз (С. А. В.) хузурларига келдилар:

— Ё! Расууллоҳ! Ўглимиз хунини Рашидан олишина истаймиз. Ўглимизни уяралади. Ўглимиз ўлди, энди қасос олишишимиз керак, — дедилар.

Пайгамбаримиз (С. А. В.) қизининг отаси Рашидни чақиритирди. Рашид билан яна бир одам бирга келди. Бўлган ишни эшигтгач, у ердан кетдилар.

Шундан кейин қизининг отаси, «Ақлли ва номусли қизининг отаси булганим учун Аллоҳга шукр дейман» деб, даврадан бошини тик тутиб чиқиб кетди. Ўлган ахлоқсиз одамнинг ақробалари бошларини кўйи солиб у ердан кетдилар.

## Бозорни қандай тушунасиз?

Азиз болалар! Мана, бозор иқтисодининг иккичи ҳам жадал давом этмоқда. Албатта сиз бу ваqtgancha ана шу мураккаб жараённи нима экани, шу туғафли кулланина бошлаган сузлар мазмуни, уларнинг ўрни ва вазифаси ҳақида унча-мунча тушунчага эга бўлгансиз. Бироқ юқоридаги руҳностиди берабер бормоқчи бўлган иқтисодий лутадан мақсад тенгдошларингизнинг бозор иқтисодиётини даврида ҳандай кун кечираётгандилари, улар нималар билан шугулланётгандилари, ҳолаверса бу жараённи қандай тушунишилари ҳақида хикор қилиб бериши ва уларга қандай муносабатда бўлишигинизни анилаш. Ахир мустақил давлатимиз иқтисодининг мустаҳкамланишида сизнинг ва тенгдошларингизнинг қандай ҳисса кўша олиши мумкинлиги ҳақида билиш ҳам моркли-да.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** — эркин, мустақил хўжалик юритувчilar, мулк эгалари, махсулот ишлаб чиқарувchilar bilan истеъmolchilar уртасида ўзаро келишувга мувофиқ вужудга келадиган, барча томонlар мағнафатларини қондиришига ҳаракатиган иқтисодий муносабатлар махмаси. (Умуман эса бозор иқтисодиётiga берилган турли таърифлар мавжуд. Улар асосан бир-бiri ni тўлдируvchi taъriflardir).

## ОББО, ТАДБИРКОРЕЙ!

— Бўлди, етар энди пул ишламасам бўлмайди, — деди Санжар онасига.

Кейин... узоқ ўйлаб ўтиради, ўткини машиналарни ювди, газета сотди, бир парчагина ҳовлисида кўён, товуқ бокди. Хўроқанд тайёрлаб сотди. Шуорада техникага булган қизиқиши ҳам иш берди. Қуни — қўшиларнинг бузилган велосипед, радио, телевизор, кир ювиши машинаси, газ плиталарини ҳам бемалол тузатиб маблаг ишлади.

Кунларнинг бирида унга каттакон бузук замбиглалтак тортиқ килишиди. Санжар уни яхшилаб тавсилларига кетти, катта бозордан қовун-тарвуз юклаб келиб сотадиган бўлди.

Бора-бора унинг кўрадиган даромади ошиб, кирим-чиқим дафтари ҳам тутишига тўғри келди.

Тўғри, унинг бу ишларига: «Хой, нима қилаяпсан?» дейдиганлар ҳам топилди. Бироқ на чора, унинг вояга етмаган уч укаси, ногирон онаси бор. Уларни кийинтириш, едириш, ичириш керак.

Хозир Санжарларнинг иккি сигири, ўн битта кўйи, ўттис та товуғи, ўнта кўйи бор. Хуллас ҳўжалик катта. Унинг бошида эса ишбайлармон Санжар туради.

Озода РОМАНОВА.

Сиз Озоданинг бозор иқтисодиётини қандай тушунишига ишора қилувчи ҳикояси билан танишдигиз. А